

01-07/1-2743
26.02.2021й.



Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш масалаларига бағишланган йиғилиш
БАЁНИ 28

2021 йил 25 февраль

Тошкент шаҳри

Раислик қилувчи: А. Арипов – Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири

Иштирок этдилар: вазирлик ва идоралар раҳбарлари, таклиф этилганлар (рўйхат бўйича)

КУН ТАРТИБИ:

Давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамига бағишлаб фильмларни ишлаб чиқариш масалалари тўғрисида

(Арипов, Мусаев, Абдухаликов, Одилов, Ходжаев ... Арипов)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 декабрда “Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида”ги ПҚ-4926-сон қарори қабул қилинди.

Қарорда Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш бўйича республика комиссияси тузилди ҳамда “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!” ғоясини ўзида мужассам этган тадбирлар ўтказилиши доирасида кино маҳсулотлар ишлаб чиқириш вазифаси ҳам белгилаб берилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 20 ноябрда “Ўзбекфильм” киностудиясига ташрифи давомида берилган топшириқлари ва кино ижодкорлар билан ўтказилган учрашувнинг 92-сонли баёнида Мустақиллигимизнинг ўттиз йиллик байрамига тайёргарлик жараёнларида муносиб кино маҳсулотлар тайёрлаш вазифаси ҳам юклатилган.

Ушбу топшириқлар ижросини юқори савияда таъминлаш ва жадаллаштириш ҳамда “Ўзбеккино” Миллий агентлиги ҳамда масъул вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ўртасида Давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамига бағишланган фильмларни яратишда ҳамкорликни таъминлаш мақсадида:

1. “Ўзбеккино” Миллий агентлигининг Давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамига бағишланган “Янги Ўзбекистон” номли Киносолнома шаклида фильмларни яратиш, тайёрлаш бўйича суратга олиш гуруҳларини ташкил қилиш ва моддий-техник база, автотранспорт воситалари билан таъминлаш, уларнинг фаолиятини молиялаштириш, ҳамда вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар билан ҳамкорлик қилиш ҳақидаги амалга оширилаётган ишлари юзасидан ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.